

МАНСАБГА СОВУҚҚОНЛИК БИЛАН ҚАРАШ УЧУН ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИК

Х.И.Ахмедова

Ўзбекистон Республикаси Одил судлов Академияси тингловчиси

Аннотация: Мазкур мақолада хизматга совуққонлик билан қараш жиноятнинг ҳуқуқий табиати, унинг объекти ва объектив томон белгилари таҳлил қилинади. Муаллиф хизмат вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳолатларини турли илмий нуқтаи назарлар асосида ёритади. Шу билан бирга, мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги, унинг асосий оқибатлари ва сабабий боғланиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Тадқиқот натижаларидан ҳуқуқшунослик амалиётида мансабдор шахслар фаолиятини баҳолаш ва жиноят ҳуқуқий жавобгарлик чегараларини аниқлашда фойдаланиш мумкин.

Калим сўзлар: хизматга совуққонлик, мансабдор шахс, бепарволик, объектив томон, хизмат вазифаси, ижтимоий хавф, сабабий боғланиш.

УГОЛОВНАЯ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА ХАЛАТНОЕ ОТНОШЕНИЕ К ДОЛЖНОСТИ

Аннотация: В данной статье анализируется правовая природа преступления халатности по службе, его объект и признаки объективной стороны. Автор рассматривает случаи неисполнения или ненадлежащего исполнения служебных обязанностей с точки зрения различных научных подходов. При этом особое внимание уделяется общественной опасности данного преступления, его основным последствиям и вопросам причинно-следственной связи. Результаты исследования могут быть использованы в юридической практике для оценки деятельности должностных лиц и определения границ уголовно-правовой ответственности.

Ключевые слова: халатность по службе, должностное лицо, небрежность, объективная сторона, служебная обязанность, общественная опасность, причинно-следственная связь.

CRIMINAL LIABILITY FOR NEGLIGENT ATTITUDE TOWARDS OFFICIAL DUTIES

Abstract: *This article analyzes the legal nature of the crime of dereliction of duty, its object, and the features of its objective aspect. The author examines cases of non-performance or improper performance of official duties from the perspective of various scholarly approaches. Special attention is paid to the social danger of this crime, its main consequences, and issues of causation. The research findings can be applied in legal practice to evaluate the activities of officials and determine the boundaries of criminal liability.*

Keywords: *professional negligence, official, carelessness, objective aspect, official duty, public danger, causal relationship.*

Давлат хизматчилари фаолияти давлат бошқаруви тизимининг самарадорлигини белгилайди. Шу сабабли, мансабдор шахсларнинг ўз хизмат бурчларига совуққон муносабати нафақат идора фаолиятига, балки фуқароларнинг қонуний манфаатларига ҳам зарар етказиши мумкин. Хизматга совуққонлик билан қараш - эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноят бўлиб, у мансабдор шахснинг ўз мажбуриятларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги натижасида содир бўлади.

Бу жиноятнинг ҳуқуқий таҳлили давлат идоралари фаолиятидаги масъулият мезонларини аниқлаш, хизмат интизомини мустаҳкамлаш ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлик даражасини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур жиноятнинг бевосита объекти - давлат бошқаруви соҳасидаги ижтимоий муносабатлардир. Давлат органларининг қонуний ва самарали фаолиятини таъминлайдиган муносабатлар бу жиноят орқали бузилади. Қўшимча объект сифатида фуқаролар ва юридик шахслар манфаатлари, жамият ва давлат мулки ҳимояси кўрсатилади. Бошқача қилиб айтганда, мансабга бепарволик билан қараш - давлат хизматининг нормал ишлаш жараёнини издан чиқарадиган ва қонун устуворлиги тамойилига зарар етказадиган ҳаракатлар ёки ҳаракатсизликлар йиғиндисидир.

Жиноятнинг объектив томони мансабдор шахснинг ўз хизмат вазифаларини бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслигидан иборат. Бу

қуйидагиларда яъни: вазифаларни белгиланган тартибда бажармаслик ёки кечиктириш, вазифаларни енгилтаклик, виждонсизлик ёки масъулиятсизлик билан бажариш, хизмат қодаларини бузиш натижасида салбий оқибатларни юзага келтириш.

Муаллифларнинг бир қисми жиноят объектив томонининг белгиси сифатида “хизмат вазифаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик” таърифининг муайян камчиликларини кўрсатади. И.Г.Минакованинг кўрсатишича, “хуқуқий нуқтаи назардан бепарволик фақат ҳаракатсизлик орқали содир этилиши мумкин. Мансабдор шахс зиммасидаги мажбуриятларни бажармаганида ҳам, лозим даражада бажармаганида ҳам жиноят субъекти муайян кўрсатмаларни бажармайди - фарқ фақат мажбуриятни бажармаслик даражасида бўлади”. И.Г. Минакованинг позициясига М.А.Тиняная ҳам қўшилади, унинг фикрича, мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бажармаслик уларни бажармасликдир: “Мансабдор шахснинг мажбуриятлари тўлиқ, ноаниқ, виждонсизларча ва ҳоказо тарзда бажарилиши мумкин эмас, улар бажарилиши ёки бажарилмаслиги мумкин”.

Бу ҳолда айбдор шахс давлат хизматининг хуқуқий қодалари ва ички тартибларини бузиш орқали салбий натижага сабабчи бўлади.

Ҳар икки ҳолатда ҳам жиноятнинг зарурий белгиси — қилмиш ва оқибат ўртасидаги сабабий боғланишдир. Яъни мансабдор шахснинг бепарволиги натижасида моддий ёки маънавий зарар юз бериши керак.

Хизмат вазифаларининг мазмуни норматив ёки маъмурий ҳужжатларда белгилаб қўйилган бўлади. Шу боис мансабдор шахс айнан ўзига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни талаб қилинган тарзда бажармаса, унинг қилмиши жиноят ҳисобланади.

Фикримизча, хизмат вазифаларига совуққон муносабатни баҳолашда уларнинг хуқуқий табиати ва ижтимоий аҳамияти эътиборга олинishi лозим. Айбдор шахснинг бу мажбуриятларни бузиши фаол (қонунга зид ҳаракат) ёки пассив (ҳаракатсизлик) шаклда бўлиши мумкин, ҳар иккаласи ҳам жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Хизматга совуққонлик билан қараш жинояти давлат бошқарувининг самарадорлиги ва фуқароларнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини сусайтирадиган ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади. Жиноятнинг бевосита объекти давлат органлари ва идоралари фаолиятидаги қонуний



муносабатлар бўлса, объектив томони мансабдор шахснинг ўз хизмат мажбуриятларини тўлиқ ёки лозим даражада бажармаслигида намоён бўлади. Ҳар қандай ҳолда ҳам бу қилмиш натижасида фуқаролар, ташкилотлар ёки давлат манфаатларига зарар етказилиши ва сабабий боғланишнинг мавжудлиги ушбу жиноятнинг ҳуқуқий таркибини белгилайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22-сентябрда қабул қилинган 2012-ХИИ-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <https://lex.uz/docs/-111453>
2. Тыняная, М.А. *Уголовно-правовая характеристика халатности*: дис канд. юрид. наук : 12.00.08 / М.А. Тыняная. – Томск, 2013. – С. 88.
3. Минакова, И.Г. *Халатность: уголовно-правовые и криминологические аспекты*: дис. ... канд. юрид. наук : 12.01.08 / И.Г. Минакова. – Ростов-н/Д., 2008. – С. 84.
4. *Уголовный кодекс Республики Беларусь*: науч.-практ. коммент. / Т.П. Афонченко [и др.]; под ред. В.М. Хомича, А.В. Баркова, В.В. Марчука. – Минск : Нац. центр правовой информ. Респ. Беларусь, 2019. – 1000 с.
5. Хилюта, В.В. *Служебная халатность (ст. 428)* [Электронный ресурс] : [по состоянию на 23.10.2014 г.] / В.В. Хилюта // КонсультантПлюс. Беларусь / ООО «ЮрСпектр». – Минск, 2021.
6. Лосев, В.В. *Служебная халатность: характеристика объективных признаков состава преступления (часть 1)* [Электронный ресурс] : [по состоянию на 25.03.2019 г.] / В.В. Лосев // КонсультантПлюс: Беларусь. – Минск, 2021.

Research Science and
Innovation House

